

# CONFERENCE ON SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH

## SEPTEMBER 17-18 2021

WWW.ONLINE-CONFERENCES.COM

doi BASE Google Scholar

+

International Conference on Social and Humanitarian Research

17-18th September, 2021, Poland ISBN: 978-83-956810-7-3

Table of Content


| No | Paper Title | Author Name | Page No |
|---|---|---|---|
| 42 | Kasbiy Ko'Nikma Va Malakalarni Shakllantirishning Psixologik Mezonlari | Abduraxmonov Firdavs Mamatkozimovich, Eshmanov Otabek Baxriddin o'g'li, Avulxairov Firdavsiy O'tkir o'g'li | 135-138 |
| 43 | Opportunities to Take Education Management to a New Level in Secondary Schools | Nurulloyev Firuz Numonjonovich | 147-150 |
| 44 | Kompyuter Taqdimotlaridan Foydalangan Holda Darslarni Tashkil Etish | Djabbarov Botirjon Begimovich | 139-146 |
| 45 | RFID - Axborotni Qayta Ishlash Texnologiyasi Sifatida | Sagdullaev Otabek Qudrat o'g'li | 151-153 |
| 46 | Uzbekistan - China: High Results of Cooperation Based on Mutual Trust and Strong Friendship | Zokirov Bobir Chorievich | 154-157 |
| 47 | Improving the Condition and Treatment of Dental Caries in Children with Disabilities | Xolova N. F., Xabibova N. N | 158-159 |
| 48 | Онирение И Гипертония Среди Мужчин 18-49 Летнего Возраста | Орзикулова Шахло Акмаловна | 160 |
| 49 | Problems of the Liberation Movement in Turkish (Uzbek) Societies and Periodicals in Turkey | Mirzoyev Sharifjon | 161-164 |
| 50 | Углеводороды жидкого парафинового ряда | Ульжаев Х. у. | 165-166 |
| 51 | Соединения серы в масле | Ульжаев Х. У. | 167 |
| 52 | Development of Corruption in Society as a Social and Cultural Crisis | Yahshilikov Juraboy Yahshilikovich, Khidirov Khoshim Ibodullaevich, Obilqosimov Mamatqobil | 168-171 |
| 53 | Чарм-Пойабзал Саноати Корхоналарида Рақобатбардош Маҳсулотларни Ишлаб Чиқаришни Шакллантириш | Мансуров Саидхўжа Камалович, Саидмурадова Турсуной Собировна | 172-174 |
| 54 | Случайность Связана С Существующими Условиями Или Является Результатом Их Взаимоотношений | Salimov Bahriddin Lutfullaevich | 175-177 |
| 55 | Characteristics of Formation of a Sense of Professional Responsibility in Psychological Students | Doniyorbek Norqo'ziyev, Mirkarim Raimdjanov | 178-181 |
| 56 | Mavzu: Kichik Turar-Joy Tumanlarini Rekonstruksiya Qilishda Obodonlashtirish Tartiblari | Musayeva Zumrad Muhitdin qizi | 182-184 |
| 57 | Technology of Creation of Multimedial Electronic Learning Resources | Juraeva Aziza Akramovna, Nasirova Shoira Nomuradovna | 185-187 |
| 58 | Суицид – ўз жонига қасд қилишижтимоий психологик муаммо сифатида | Элов Зиёдулло Сатторович | 188-189 |
| 59 | Своеобразие И Выразительность – Особые Черты Фразеологизмов | Очилова Насиба Нематовна, Темирова Шоира Гайбуллаевна | 190-191 |
| 60 | Treatment of Chronic Catarrhal Gingivitis in Children | Ganiev J. I, Xabibova N. N | 192-193 |
| 61 | Sinov Signal Generatsorlarini Yaratish Va Ishlash Prinsiplari | K. T. Rahmatov, X. B. Mirzaqulov, A. N. Saloxiddinov | 194-198 |

ISBN: 978-83-956810-7-3

# Суицид – ўз жонига қасд қилишижтимоий психологик муаммо сифатида

**Элов Зиёдулло Сатторович**
Бухоро Давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация**: Мақолада шахсда кечадиган руҳий бузилишлар натижасида содир бўлиши мумкин бўлган суицид ҳолати ҳақида фикр юритилади. Шунингдек суицид ҳолатларининг таҳлиллари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** суицид, ҳақиқий суицид, сохта суицид, депрессия, глобал муаммо.

**Suicide is a social suicIdeas a psychological problem**

Ҳаёт инсонга бериладиган неъматлар ичида энг қадрлиси хисобланади. Шунингдек у яратганнинг бизга берган илоҳий мўъжизасидир. Умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаш, уни гўзал ўтказиш, узоқ умур кўришнинг асосий омилларидан бири хисобланади. Бироқ, орамизда ушбу илоҳий неъматни қадрига етмайдиган айрим ношукур кимсалар ҳам борки улар, бутун уни унутиб кўйишмоқда. Натижада кишилар томонидан ўз ҳаётига ўз чек қўйишгача бориб етмоқда.

Биз ривожланган асрда яшасакда, айрим шахслар бутун ушбу ҳолат энг муаммо эканлиги ва ва чиқарилган бу қарор энг катта гуноҳ эканлигини, англашмайди.

Ривожланган тиббиёт бутун жонига қасд қилган шахсни соғлом шахс эмас – деб хисоблайди. Негаки, тиббий нуқтаи назардан руҳиятида ўзгариш бўлган ва ўзида соматик белгилар намоён этган ҳолатдаги шахслар албатта, шифокорга учрашиш лозимлиги таъкидлаб келинади.

Психологияда бутун олимлар томонидан, шахс томонидан билиб туриб ўз жонига қасд қилиш ҳолатини суицид – деб таърифлашади. Энди масаланинг энг асосий моҳиятига тўхталсак. Бугун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, вафот этаётган ҳар 100.000 минг одамдан 10 та суицид қурбонига айланиб бормоқда. Статистик маълумотга тўхталадиган бўлсак, Англия, АҚШ, Италия, Австрия, Исроил, Литва, Латвия, Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украина каби давлатларда ушбу жараён ўртача кўрсаткичлардан анча кўплиги қайд қилинган. Натижада, суицид бутун дунёдаги глобал муаммолардан бирига айланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Олимлар томонидан суицид муаммоси қатор йиллар давомида ўрганилиб келинмоқда. Ушбу ҳолатнинг қандай намоён бўлиши ва асл сабаблари устида бир нечта мутахассислар турли тадқиқотлар олиб боришди. Умуман олганда олимларнинг тадқиқотларига кўра, суицид ҳолатини содир этиш асосан икки хил кўринишда кечиши қайд этилган. Улар ҳақиқий ва сохта суицид. **Биринчисида**, ўз жонига қасд қилиш ҳолати ойлаб, ҳаттоки йиллаб режалаштирилади. Шундай бажариладики, у аянчли кўринишда ниятига этади. Бироқ, шунга қадар камида ўндан ортиқ кишига бу ҳақда айтган бўлсада, эътиборсизлик

ISBN: 978-83-956810-7-3

оқибатида бир шахс хаётдан кўз юмади. **Иккинчисида**, ўз жонига қасд қилиш, атрофдагиларнинг айникса якинларининг эътиборини тортиш максадида амалга оширилади. Ушбу жараён кўп холларда намойишкорона амалга оширилиб, унда турли таблетка воситаларини кўп миқдорда қабул қилиш, қон томирларини кесиш (чуқур эмас) ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Ушбу холатда шахс қутқариб қолинишини жуда яхши билади ва бу холат кўпроқ аёллар томонидан содир этилади.

Суицид холатининг ушбу икки холати ўрганилганида, хар иккисида хам сабаблар оз эмаслиги, шахсий ва турмушдаги муаммолар, оилавий жанжаллар, ажралиш ва тан олинмаган севги, якинларининг унга нисбатан бепарволиги, суруункали оғир касалликлар, ишдаги ва ўқишдаги омадсизлик, пул муаммоси ва кўп миқдорда қарздор бўлиб қолиш, узоқ давом этадиган оғир депрессия, тушкунликка тушиш ва мажбурий босим, мунтазам камситилиш, номусга тегиш, жисмоний хўрлаш каби қатор холатларни санаб ўтиш мумкин.

Бутун тадқиқотлар жараёнида суицид қуроли ўрганилганида, асосан ривожланган давлатларда (АҚШ, Англия ва Франция) ўқ отар қуроллардан, иктисодиёти энди ривожланаётган давлатларда турли дори воситалари ва бошқа усуллардан фойдаланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга статистик маълумотларга кўра бутун Хитойда яшаётган кишилар томонидан суицид холатини содир этишда зарарли кимёкат воситалардан фойдаланиш энг кўп қайд этилганлиги кўрсатилган. Бутун юртимизда хам бу каби холатлар хар куни учраб турганлиги хеч кимга сир эмас.

Дунё хамжамиятида суицидга йўл қўйиб, тирик қолган шахсларга нисбатан турли жазо чоралари белгиланган. Мисол учун Хиндистонда агар шахс суициддан сўнг тирик қолса, бир йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси, Сингапурда эса жарима жазоси қўлланилиши мумкин. Юртимизда эса бундай хатти-харакат руҳий-асаб касалликлар касалхонасига ёткизишга асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 25 июль кунидаги 207-сонли қарорида, жамиятда суицид холатини олдини олишда, соғликни саклаш, халқ таълими, ўрта ва олий таълим, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Бундай кўнгилсиз холатни олдини олиш ва бартараф этишда, идоралараро комплекс чора-тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда бутун фаол ишлар олиб борилмоқда. Мақсад суицид хақида кўп гапирмасдан, депрессияга тушганлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, локайдликка йўл қўймаслик, малакали мутахассислар ёрдамини уюштириш, асл сабабларни аниқлаш ва уни йўқотиш, зарур бўлган холатларда дори-дармонлар билан даволашдир.

Хар бир инсоннинг хаёти бебахо ва бетакрордир. Хаётни асраш, уни чиройли ва мазмунли ўтказиш шарт ва зарур. Негаки, жамиятнинг куч-қудрати, соғлом одамларнинг соғлом турмуш тарзи билан барқарордир. Буни хеч ким хеч қачон унутмаслиги лозим.

**Адабиётлар**:

1. Амбрумова А.Г. индивидуально-психологические аспекты суицидального поведения.
2. Фрейд З. Мы и смерть // Рязанцев С. Танатология (учение о смерти). СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа, 1994. С. 5-42.; *Freud S.*Mourningandmelancholia //HogarthPress, London – 1957].
3. Эргашев И.Р. Психология профессионального общения с участниками предварительного следствия: Автореф. дис. канд. псих. наук. – Т,2001.